**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING**

**FARMONI**

2025 yil « 19 » март №ПФ–51

## Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бошқарув тизимига юқори салоҳиятли кадрларни жалб этиш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг қуйи тизимгача етиб боришини таъминлаш, тизим ходимларини муносиб рағбатлантириш ҳамда вертикал бошқарув тизими самарадорлигини ошириш орқали сифатли таълимга эришиш мақсадида:

**1.** Қуйидагилар мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бошқарувнинг **асосий устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

сифатли таълим беришда республика, ҳудудий, туман ва шаҳар даражасида яхлит вертикал **бошқарув тизимини шакллантириш**;

мактабгача ва мактаб таълимининг барча даражасидаги бошқарув тузилмаларига юқори салоҳиятли, замонавий билим, кўникма ва малакага эга ташаббускор номзодларни **танлов асосида жалб қилиш**;

мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини босқичма-босқич замонавий бошқарув ва менежерлик қобилиятига эга бўлган **раҳбар кадрлар билан тўлдириш**;

сифатли таълим берилишини таъминлашда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларни эгаллашлари, танқидий фикрлаш, жамоада ишлаш каби кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган **баҳолаш мониторингини ўтказиш**;

тизимда фаолият юритаётган педагогларнинг касбий ва педагогик маҳоратини ошириш ҳамда уларга **малака тоифаларини беришнинг янги тизимини жорий этиш**;

тизим ташкилотлари фаолиятини **рақамлаштириш** орқали бошқарув самарадорлигини ошириш.

**2.** Белгилансинки:

а) туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ҳузуридаги Махсус таъмирлаш-эксплуатация хизматидан **810** та штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари жами бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони **5 002** тага етказилади;

б) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг тизимидаги агентлик ҳамда марказлар, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари ходимларининг кўп йиллик хизмати учун **рағбатлантириш тизими жорий этилади**;

в) **2025 йил 1 сентябрдан** бошлаб:

умумий ўрта таълим ташкилотлари директори лавозимининг базавий тариф ставкаси **20 фоизга**;

умумий ўрта таълим ташкилотлари директори ўринбосари лавозимининг базавий тариф ставкаси **15 фоизга**;

I ва II гуруҳга кирувчи мактабгача таълим ташкилоти директорлари лавозимларининг базавий тариф ставкалари тегишлича III ва IV гуруҳдаги умумий ўрта таълим ташкилоти директори ўринбосари лавозимининг базавий тариф ставкаларига тенглаштириш орқали оширилади;

г) **2026 йил 1 январдан** бошлаб умумий ўрта таълим ташкилотларининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан директор ва унинг ўринбосарларига фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (KPI) натижасига кўра базавий тариф ставкаларига нисбатан тегишлича 20 ва 10 фоиз миқдорида **ҳар ойлик устамалар** белгиланади.

**3.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур Фармонда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбаини белгиласин ва Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритиш чораларини кўрсин;

**икки ой муддатда** мактабгача ва мактаб таълими тизимида ислоҳотларни амалга ошириш учун белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ходимларининг лавозим мажбуриятларини қайта кўриб чиқсин;

**уч ой муддатда** умумий ўрта таълим ташкилотларининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан директор ва унинг ўринбосарларига ҳар ойлик устамаларни белгилаш учун уларнинг фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини (KPI) ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**4.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг тизимидаги агентлик ҳамда марказлар, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари ходимларини **2025 йил 1 апрелдан** бошлаб қўшимча рағбатлантириш шартлари **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**5.** Ушбу Фармон ижроси учун зарур маблағлар 2025 йилда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағларни қайта тақсимлаш орқали молиялаштирилади, 2026 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **2-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**7.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**8.** Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 19 мартдаги ПФ–51-сон Фармонига
1-илова

**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг тизимидаги агентлик ҳамда марказлар, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари ходимларини қўшимча рағбатлантириш шартлари**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотларидаги кўп йиллик хизмати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қуйидаги ҳажмда **ҳар ойда устамалар** тўланади:

**а)** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг тизимидаги агентлик ҳамда марказлар, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари ходимларига:

1 йилдан 3 йилгача – 0,3;

3 йилдан 5 йилгача – 0,6;

5 йилдан 10 йилгача – 0,8;

10 йилдан 15 йилгача – 1,0;

15 йилдан 20 йилгача – 1,2;

20 йилдан юқори – 1,5;

**б)** туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ходимларига:

1 дан 3 йилгача – 0,15;

3 дан 5 йилгача – 0,3;

5 дан 10 йилгача – 0,45;

10 дан 15 йилгача – 0,6;

15 дан 20 йилгача – 0,75;

20 дан юқори – 1,0.

**2.** Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ходимларига (методист ходимлардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 январдаги “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2722-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳар ойлик устамалар татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 19 мартдаги ПФ–51-сон Фармонига
2-илова

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5630-сон Фармонининг 6-бандида:

а) "а" кичик банднинг биринчи хатбошиси "мустасно" сўзидан кейин "(мактабгача ва мактаб таълими тизими муассаса ва ташкилотларидан ташқари)" сўзлари билан тўлдирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги "а$^1$" кичик банд билан тўлдирилсин:

"а$^1$) мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотлар мулки ижарасидан тушадиган маблағлар:

75 фоиз — давлат мулкини баланс сақловчисига;

25 фоиз — тегишли маҳаллий бюджет даромадига".

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги "2022 – 2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ–134-сон Фармонида:

а) 8-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) 9-бандда:

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов) билан келишган ҳолда халқаро тан олинган ва миллий баҳолаш тизимида берилган сертификатлар (уларнинг комбинацияси) рўйхатини ҳамда ҳар ойлик устама олиш учун сертификатларнинг энг кам даражасини қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқласин";

ўн иккинчи – ўн тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

в) 1-иловада:

12-позиция чиқариб ташлансин;

13-позициянинг "Амалга ошириш механизми" ва "Бажариш муддати" устунлари 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармонига 1-иловада:

а) “13. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” бўлими “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” ва “Давлат бюджети ҳисобидан” устунларидаги “4 119” рақами “4 929” рақами билан алмаштирилсин;

б) изоҳлар қисмида:

5.12. бандда “Республика таълим маркази” сўзларидан кейин “, Таълим соҳасида овқатлантиришни ташкил этиш ва назорат қилиш маркази” сўзлари билан тўлдирилсин;

5.13. бандда “илмий-амалий маркази” сўзларидан кейин “, Фан олимпиадалари маркази” сўзлари билан тўлдирилсин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–79-сон Фармонида:

а) 4-банднинг “а” кичик банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“умумий ўрта таълим муассасалари директорларига ўз ўринбосарларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилади”;

б) 3-илованинг “Таъминот ва логистика хизмати” ДУК, “Инновация, технология ва стратегия маркази” ДУК” блокидан “Инновация, технология ва стратегия маркази” ДУК” сўзлари чиқариб ташлансин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси” тўғрисида”ги ПФ–158-сон Фармонига 1-илованинг 1-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш. | Болаларни мактабга тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраб олиш.<br>100 фоиз мактабгача таълим ташкилотларини тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминлаш. |

”.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 апрелдаги “Ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг

фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–55-сон Фармонининг 4-банди "б" кичик бандининг учинчи хатбошиси "Extension," сўзидан кейин "(Focus on Assessment ёки Focus on Teaching)," сўзлари билан тўлдирилсин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–152-сон Фармонининг 3-банди иккинчи хатбошиси "шартларини" сўзидан кейин "ҳамда малака тоифаларини бериш тартибини" сўзлари билан тўлдирилсин.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги "Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–158-сон Фармонида:

а) 1-илованинг 108-позицияси чиқариб ташлансин;

б) 3-илова қуйидаги мазмундаги $18^1$-позиция билан тўлдирилсин:

"

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| $18^1$. | 5. | Бухоро шаҳри | Бухоро педагогика коллежи | 650 | Умумий ўрта таълим мактаби |

".

**9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ–16-сон Фармонига 3-иловада:

а) 4-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Тоза ичимлик сув ва санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминланган давлат мактабгача таълим ташкилотлари улуши. | фоиз | 83 | - | - | 82 | 83 | "Ўзсувтаъминот" АЖ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |

";

б) 5-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Умумий ўрта таълим тизимида яратиладиган янги ўқувчи ўринлари сони. | мингта | 110 | 24 | 28 | 28 | 30 | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |

";

в) 6-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Тоза ичимлик сув ва санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминланган умумий ўрта таълим муассасалари улуши. | фоиз | 91 | 85 | 88 | 90 | 91 | “Ўзсувтаъминот” АЖ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |

г) 11-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 11. | Ўқувчилар учун бепул мактаб автобуслари йўлга қўйилган олис ва чекка ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасалари сони. | дона | 100 | - | - | 100 | - | Самарқанд ва Жиззах вилояти ҳокимликлари, Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3276-сон қарорининг 8-банди биринчи хатбошисидаги “2021” рақами “2030” рақами билан алмаштирилсин.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3651-сон қарорига 1-илованинг 97-банди тўққизинчи хатбошисидаги “методистлари” сўзи “директор ўринбосарлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Мактабгача ва мактаб таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3931-сон қарорида:

а) 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 13-бандда:

биринчи хатбошидаги “2025” рақами “2030” рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш учун олиб кириладиган замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-методик адабиётлар, анжомлар ва моддий-техник ресурслар 2030 йил

1 январга қадар муддатга божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно)”.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4884-сон қарорининг 11-бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидан “ҳамда умумтаълим муассасалари директорларини” сўзлари чиқариб ташлансин.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–241-сон қарорида:

а) 6-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи – тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–300-сон қарорида:

2-банднинг “а” кичик банди учинчи хатбошисидан “, келгусида мазкур тажриба республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этилсин” сўзлари чиқариб ташлансин;

1а-илованинг 4-позицияси “Ўлчов бирлиги” устунидаги “мингта” сўзи “та” сўзи билан алмаштирилсин.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сон қарорида:

а) 2-иловада:

1.1-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1.1 | Умумий ўрта таълим ташкилоти директори | 5,844 | 5,525 | 5,210 | 4,879 |

”;

2.1-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2.1 | Умумий ўрта таълим ташкилоти директорининг ўринбосарлари *(2.9-банддан ташқари),* мактаб маслаҳатчиси | 5,295 | 4,993 | 4,676 | 4,368 |

";

қуйидаги мазмундаги 2.9-позиция билан тўлдирилсин:

"

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2.9 | Умумий ўрта таълим ташкилоти директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари | 2,277 | 2,102 | 1,933 | 1,772 |

";

б) 2а-илованинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2. Давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари:

| Т/р | Лавозим номи | Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан *(коэффициентда)* | |
|---|---|---|---|
| | | I гуруҳ | II гуруҳ |
| 1. | Директор | 4,676 | 4,368 |

**Изоҳ.** *Давлат мактабгача таълим ташкилоти директорининг базавий тариф ставкаси ташкилотлар гуруҳидан келиб чиқиб белгиланади*".

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш тўғрисида"ги 471-сон қарорига 1-илованинг "12. Хоразм вилояти" бўлими қуйидаги мазмундаги позиция билан тўлдирилсин:

"

| | |
|---|---|
| Тупроққаъла тумани | Саримой маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) (Саримой қишлоғи) |

".

**18.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги "Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 823-сон қарорига 1-илованинг 29-бандида:

а) биринчи хатбошидаги "50" рақами "75" рақами билан алмаштирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Бунда мукофотлаш даврида мукофот миқдори Жамғармани амалдаги молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, унинг мавжуд маблағлари доирасида белгиланади".

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 декабрдаги "Халқаро тараққиёт уюшмаси, Таълимда глобал ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Натижаларга асосланган ёндашувлар учун глобал ҳамкорлик ташкилоти иштирокидаги "Болаларни эрта ёшдан ривожлантиришни такомиллаштириш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 789-сон қарорининг 1-банди "г" кичик бандидаги "2020 – 2024 йилларни" сўзлари "2020 – 2025 йилларни" сўзлари билан алмаштирилсин.

**20.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги "Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 426-сон қарорига 2-илованинг 6-банди "б" кичик бандидаги "методист" сўзи "директор ўринбосари" сўзлари билан алмаштирилсин.

**Изоҳ**. *18 банд 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киради.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
**FARMONI**

2025 yil « 19 » марта № УП–51

## О дополнительных мерах повышения эффективности системы управления в сфере дошкольного и школьного образования

В целях привлечения в систему управления в сфере дошкольного и школьного образования кадров с высоким потенциалом, обеспечения доведения проводимых реформ до самого нижнего звена, достойного стимулирования работников системы, а также достижения качественного образования путем повышения эффективности вертикальной системы управления:

**1.** Определить **основными приоритетными направлениями** управления в сфере дошкольного и школьного образования:

**формирование целостной вертикальной системы управления** на республиканском, региональном, районном и городском уровнях при предоставлении качественного образования;

**привлечение на конкурсной основе** в управленческие структуры всех уровней дошкольного и школьного образования инициативных кандидатов с высоким потенциалом, обладающих современными знаниями, навыками и квалификациями;

поэтапное укомплектование организаций дошкольного и общего среднего образования **руководящими кадрами**, обладающими современными управленческими и менеджерскими способностями;

**проведение мониторинга оценки**, направленного на развитие у учащихся навыков усвоения знаний, критического мышления, работы в команде при обеспечении предоставления качественного образования;

**внедрение новой системы** повышения профессионального и педагогического мастерства педагогов, осуществляющих деятельность в системе, а также присвоения им **квалификационных категорий**;

повышение эффективности управления путем **цифровизации** деятельности организаций системы.

**2.** Определить, что:

а) за счет оптимизации **810** штатных единиц Специализированной ремонтно-эксплуатационной службы при районных (городских) отделах дошкольного и школьного образования общая предельная численность управленческого персонала Министерства дошкольного и школьного образования, а также его региональных и районных (городских) подразделений будет доведена до **5 002** единиц;

б) **вводится система стимулирования** за выслугу лет работников Министерства дошкольного и школьного образования, агентств и центров его системы, региональных и районных (городских) подразделений;

в) с **1 сентября 2025 года**:

базовая тарифная ставка должности директора организаций общего среднего образования повышается на **20 процентов**;

базовая тарифная ставка должности заместителя директора организаций общего среднего образования повышается на **15 процентов**;

базовые тарифные ставки должностей директоров дошкольных образовательных организаций I и II групп повышаются путем их приравнивания к базовым тарифным ставкам должности заместителя директора организации общего среднего образования III и IV групп соответственно;

г) с **1 января 2026 года** за счет средств директорского фонда организаций общего среднего образования устанавливаются **ежемесячные надбавки** в размере 20 и 10 процентов к базовым тарифным ставкам соответственно для директоров и их заместителей в зависимости от результатов показателей эффективности деятельности (KPI).

**3.** Министерству дошкольного и школьного образования:

совместно с Министерством экономики и финансов **в месячный срок** определить источники финансирования мероприятий, предусмотренных настоящим Указом, и принять меры по внесению соответствующих изменений в параметры Государственного бюджета;

**в двухмесячный срок** пересмотреть должностные обязанности работников Министерства дошкольного и школьного образования

Республики Каракалпакстан, управлений дошкольного и школьного образования областей и города Ташкента, а также отделов дошкольного и школьного образования районов (городов), исходя из задач, определенных для реализации реформ в системе дошкольного и школьного образования;

**в трехмесячный срок** разработать и внести в установленном порядке в Кабинет Министров показатели эффективности деятельности (KPI) директоров и их заместителей для установления им ежемесячных надбавок за счет средств директорского фонда организаций общего среднего образования.

**4.** Утвердить условия дополнительного стимулирования работников Министерства дошкольного и школьного образования, агентств и центров его системы, региональных и районных (городских) подразделений с **1 апреля 2025 года** согласно **приложению № 1**.

**5.** Финансирование средств, необходимых для исполнения настоящего Указа, осуществляется в 2025 году за счет перераспределения средств, выделенных Министерству дошкольного и школьного образования, а с 2026 года – предусматривается в параметрах Государственного бюджета.

**6.** Внести изменения и дополнения в некоторые акты Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан согласно **приложению № 2**.

**7.** Министерству дошкольного и школьного образования совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами **в трехмесячный срок** внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего Указа.

**8.** Контроль за исполнением настоящего Указа возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

город Ташкент

Приложение №1
к Указу Президента Республики Узбекистан
от 19 марта 2025 года № УП–51

## Условия дополнительного стимулирования работников Министерства дошкольного и школьного образования, агентств и центров его системы, региональных и районных (городских) подразделений

**1.** За счет Государственного бюджета Республики Узбекистан **ежемесячная надбавка за выслугу лет** в государственных органах и организациях в коэффициентах, установленных к должностному окладу, с учетом коэффициента стимулирования выплачивается в следующих размерах:

**а)** работникам Министерства дошкольного и школьного образования, агентств и центров его системы, Министерства дошкольного и школьного образования Республики Каракалпакстан, управлений дошкольного и школьного образования областей и города Ташкента:

от 1 года до 3 лет – 0,3;

от 3 лет до 5 лет – 0,6;

от 5 лет до 10 лет – 0,8;

от 10 лет до 15 лет – 1,0;

от 15 лет до 20 лет – 1,2;

свыше 20 лет – 1,5;

**б)** работникам районных (городских) отделов дошкольного и школьного образования:

от 1 года до 3 лет – 0,15;

от 3 лет до 5 лет – 0,3;

от 5 лет до 10 лет – 0,45;

от 10 лет до 15 лет – 0,6;

от 15 лет до 20 лет – 0,75;

свыше 20 лет – 1,0.

**2.** Работникам Министерства дошкольного и школьного образования Республики Каракалпакстан, управлений дошкольного и школьного образования областей и города Ташкента, а также районных (городских) отделов дошкольного и школьного образования (за исключением методистов) за счет Государственного бюджета Республики Узбекистан применяются ежемесячные надбавки, предусмотренные в абзаце втором пункта 1 постановления Президента Республики Узбекистан от 9 января 2017 года № ПП–2722 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности и усилению материального стимулирования работников территориальных органов государственного управления».

Приложение № 2
к Указу Президента Республики Узбекистан
от 19 марта 2025 года № УП–51

## Изменения и дополнения, вносимые в некоторые акты Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан

**1.** В пункте 6 Указа Президента Республики Узбекистан от 14 января 2019 года № УП–5630 «О мерах по коренному совершенствованию системы управления государственными активами, антимонопольного регулирования и рынка капитала»:

а) в абзаце первом подпункта «а» после слова «имуществу» дополнить словами «(кроме учреждений и организаций системы дошкольного и школьного образования)»;

б) дополнить подпунктом «$а^1$» следующего содержания:

«$а^1$) от аренды имущества учреждений и организаций системы дошкольного и школьного образования:

75 процентов – балансодержателю государственного имущества;

25 процентов – в доход соответствующего местного бюджета».

**2.** В Указе Президента Республики Узбекистан от 11 мая 2022 года № УП–134 «Об утверждении Национальной программы по развитию школьного образования в 2022–2026 годах»:

а) абзац третий пункта 8 исключить;

б) в пункте 9:

абзац одиннадцатый изложить в следующей редакции:

«Министерству дошкольного и школьного образования (Х. Умарова) и Министерству высшего образования, науки и инноваций (К. Шарипов) по согласованию с Министерством экономики и финансов (И. Норкулов) утверждать в установленном порядке перечень международно признанных сертификатов и сертификатов, выданных в национальной системе оценки (их комбинаций), а также их минимальный уровень для получения ежемесячных надбавок»;

абзацы двенадцатый – четырнадцатый исключить;

в) в приложении № 1:

позицию 12 исключить;

пункт 2 графы «Механизмы реализации» и графы «Сроки исполнения» позиции 13 признать утратившим силу.

**3.** В приложении № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 25 января 2023 года № УП–14 «О первоочередных организационных мерах по эффективному налаживанию деятельности республиканских органов исполнительной власти»:

а) в графах «Общее количество управленческих штатных единиц» и «за счет Государственного бюджета» позиции «Министерство дошкольного и школьного образования» раздела «13. Министерство дошкольного и школьного образования» цифру «4 119» заменить цифрой «4 929»;

б) в примечаниях:

в пункте 5.12. после слов «Республиканский центр образования» дополнить словами «, Центр организации и контроля питания в сфере образования»;

в пункте 5.13. после слов «международной оценки» дополнить словами «, Центр предметных олимпиад».

**4.** В Указе Президента Республики Узбекистан от 26 мая 2023 года № УП–79 «О мерах по эффективной организации деятельности Министерства дошкольного и школьного образования и организаций в его системе»:

а) абзац второй подпункта «а» пункта 4 изложить в следующей редакции:

«директорам общих средних образовательных учреждений предоставляется право самостоятельно решать вопросы о приеме на работу и увольнении своих заместителей»;

б) из блока «ГУП «Таъминот ва логистика хизмати», ГУП «Центр инновации, технологии и стратегии» приложения № 3 слова «ГУП «, Центр инновации, технологии и стратегии» исключить.

**5.** Позицию 1 приложения № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года № УП–158 «О Стратегии «Узбекистан – 2030» изложить в следующей редакции:

«

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Поднятие на новый уровень системы дошкольного образования и обеспечение полного охвата детей. | Полный охват детей группами по подготовке к школе.<br>100-процентное обеспечение дошкольных образовательных организаций чистой питьевой водой и современной санитарно-гигиенической инфраструктурой. |

».

**6.** В абзаце третьем подпункта «б» пункта 4 Указа Президента Республики Узбекистан от 1 апреля 2024 года № УП–55 «О мерах по

расширению сети специализированных школ и дальнейшему совершенствованию их деятельности» после слова «Extension,» дополнить словами «(Focus on Assessment или Focus on Teaching,)».

**7.** Абзац второй пункта 3 Указа Президента Республики Узбекистан от 30 сентября 2024 года № УП–152 «О дополнительных мерах по дальнейшему повышению качества и эффективности дошкольного образования» после слова «труда» дополнить словами «, а также порядка присвоения квалификационных категорий».

**8.** В Указе Президента Республики Узбекистан от 16 октября 2024 года № УП–158 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки квалифицированных кадров и внедрению международных образовательных программ в профессиональном образовании»:

а) позицию 108 приложения № 1 исключить;

б) в тексте на государственном языке приложения № 3 дополнить позицией $18^1$ следующего содержания:

«

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| $18^1$. | 5. | Бухоро шаҳри | Бухоро педагогика коллежи | 650 | Умумий ўрта таълим мактаби |

**9.** В тексте на государственном языке приложения № 3 к Указу Президента Республики Узбекистан от 30 января 2025 года № УП–16 «О Государственной программе по реализации Стратегии «Узбекистан – 2030» в «Год охраны окружающей среды и «зеленой экономики»:

а) позицию 4 изложить в следующей редакции:

«

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Тоза ичимлик сув ва санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминланган давлат мактабгача таълим ташкилотлари улуши. | фоиз | 83 | – | – | 82 | 83 | “Ўзсувтаъминот” АЖ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |

»;

б) позицию 5 изложить в следующей редакции:

«

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Умумий ўрта таълим тизимида яратиладиган янги ўқувчи ўринлари сони. | мингта | 110 | 24 | 28 | 28 | 30 | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |

»;

в) позицию 6 изложить в следующей редакции:

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| « | 6. | Тоза ичимлик сув ва санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминланган умумий ўрта таълим муассасалари улуши. | фоиз | 91 | 85 | 88 | 90 | 91 | "Ўзсувтаъминот" АЖ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги | »; |

г) позицию 11 изложить в следующей редакции:

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| « | 11. | Ўқувчилар учун бепул мактаб автобуслари йўлга қўйилган олис ва чекка ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасалари сони. | дона | 100 | – | – | 100 | – | Самарқанд ва Жиззах вилояти ҳокимликлари, Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги | ». |

**10.** В абзаце первом пункта 8 постановления Президента Республики Узбекистан от 15 сентября 2017 года № ПП–3276 «О мерах по дальнейшему развитию деятельности по оказанию негосударственных образовательных услуг» цифру «2021» заменить цифрой «2030».

**11.** В абзаце девятом пункта 97 приложения № 1 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 5 апреля 2018 года № ПП–3651 «О мерах по дальнейшему стимулированию и развитию системы дошкольного образования» слово «методистов» заменить словами «заместителей директоров».

**12.** В постановлении Президента Республики Узбекистан от 5 сентября 2018 года № ПП–3931 «О мерах по внедрению новых принципов управления в систему дошкольного и школьного образования»:

а) пункт 6 признать утратившим силу;

б) в пункте 13:

в абзаце первом цифру «2025» заменить цифрой «2030»;

абзац третий изложить в следующей редакции:

«сроком до 1 января 2030 года от таможенных платежей (за исключением сборов за таможенное оформление) современное учебное и лабораторное оборудование, компьютерную технику, программные продукты, учебную и научно-методическую литературу, инвентарь и материально-технические ресурсы, не производимые в Республике Узбекистан, ввозимые для оснащения и обеспечения деятельности негосударственных дошкольных и общих средних образовательных организаций по перечням, формируемым в установленном порядке».

**13.** В пункте 11 постановления Президента Республики Узбекистан от 6 ноября 2020 года № ПП–4884 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания»:

абзац пятый исключить;

абзац шестой считать абзацем пятым;

из абзаца пятого слова «, а также директоров общеобразовательных учреждений» исключить.

**14.** В постановлении Президента Республики Узбекистан от 11 мая 2022 года № ПП–241 «О дополнительных мерах по развитию дошкольного и школьного образования»:

а) в пункте 6:

абзац второй исключить;

абзацы третий – пятый считать абзацами вторым – четвертым;

б) приложение № 1 признать утратившим силу.

**15.** В постановлении Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года № ПП–300 «О мерах по качественной и своевременной реализации Стратегии «Узбекистан–2030» в 2023 году»:

из абзаца третьего подпункта «а» пункта 2 слова «, в последующем – поэтапно распространить данный опыт на все регионы республики» исключить;

в тексте на государственном языке графы «Ўлчов бирлиги» позиции 4 приложения № 1а слово «мингта» заменить словом «та».

**16.** В тексте на государственном языке постановления Кабинета Министров от 21 декабря 2005 года № 275 «Об утверждении усовершенствованной системы оплаты труда работников народного образования»:

а) в приложении № 2:

позицию 1.1 изложить в следующей редакции:

«

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1.1 | Умумий ўрта таълим ташкилоти директори | 5,844 | 5,525 | 5,210 | 4,879 |

»;

позицию 2.1 изложить в следующей редакции:

«

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2.1 | Умумий ўрта таълим ташкилоти директорининг ўринбосарлари *(2.9-банддан ташқари),* мактаб маслаҳатчиси | 5,295 | 4,993 | 4,676 | 4,368 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |

»;

дополнить позицией 2.9 следующего содержания:

«

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2.9 | Умумий ўрта таълим ташкилоти директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари | 2,277 | 2,102 | 1,933 | 1,772 |

»;

б) раздел 2 приложения № 2а изложить в следующей редакции:

«2. Давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари:

| **Т/р** | **Лавозим номи** | **Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан** *(коэффициентда)* | |
|---|---|---|---|
| | | I гуруҳ | II гуруҳ |
| 1. | Директор | 4,676 | 4,368 |

**Изоҳ.** *Давлат мактабгача таълим ташкилоти директорининг базавий тариф ставкаси ташкилотлар гуруҳидан келиб чиқиб белгиланади*».

**17.** В тексте на государственном языке раздел «12. Хоразм вилояти» приложения № 1 к постановлению Кабинета Министров от 7 июня 2019 года № 471 «О дальнейшем стимулировании труда педагогических кадров в общеобразовательных учреждениях, расположенных в отдаленных районах» дополнить позицией следующего содержания:

«

| | |
|---|---|
| Тупроққаъла тумани | Саримой маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) (Саримой қишлоғи) |

».

**18.** В тексте на государственном языке пункта 29 приложения № 1 постановления Кабинета Министров от 30 сентября 2019 года № 823 «О порядке совершенствования материального стимулирования отличившихся сотрудников общеобразовательных учреждений»:

а) в абзаце первом цифру «50» заменить цифрой «75»;

б) дополнить абзацем вторым следующего содержания:

«Бунда мукофотлаш даврида мукофот миқдори Жамғармани амалдаги молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, унинг мавжуд маблағлари доирасида белгиланади».

**19.** В тексте на государственном языке подпункта «г» пункта 1 постановления Кабинета Министров от 15 декабря 2020 года № 789 «О мерах по реализации проекта «Улучшение развития детей с раннего возраста» с участием Международной ассоциации развития, Глобального партнерства в области образования, Глобального партнерства на подходах, ориентированных на результат» слова «2020 – 2024 йилларни» заменить словами «2020 – 2025 йилларни».

**20.** В тексте на государственном языке подпункта «б» пункта 6 приложения № 2 к постановлению Кабинета Министров от 2 августа 2022 года № 426 «О мерах по упрощению отношений государственно-частного партнерства в сфере дошкольного образования с помощью современных цифровых технологий» слово «методист» заменить словами «директор ўринбосари».

**Примечание**: *пункт 18 вступает в силу с 1 сентября 2025 года.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1